

# Ўрта Осиё музликлари

- Музликларнинг ҳосил бўлиши иқлим ва рельеф хусусиятлари билан бевосита боғлиқ. Ўрта Осиёда Тяншан ва Помир тоғ тизмалари Атлантика океанидан келаётган нам ҳавони ушлаб қолади. Қорнинг тўпланишига тоғ рельефи характерли бўлган кўтарилган юзалар билан чегараланган, нисбатан текис майдончалар (ботиқликлар) нинг мавжудлиги яхши шароит яратади. Нишаблик катта бўлган жойларда қор сақланмайди. Қор қанча кўп ёғса, у ерда манфий ҳарорат қанча узоқ сақланса, музлик ҳосил бўлишига шунча қулай шароит яратилади.
- **Музликлар** ер сиртининг қор чизиғи чегарасидан юқори қисмида, рельеф ҳамда иқлим шароити қулай келган жойларида қорнинг тўпланиши ва зичлашишидан ҳосил бўлади.


- **Қор қоплами** қорнинг ер сиртида тўпланишидан ҳосил бўлади. Шамол таъсирида у ер сиртида нотекис тақсимланади. Натижада қор қопламининг асосий кўрсаткичлари-**қалинлиги, структураси** (тузилиши), **зичлиги, сув миқдори** турли ҳудудларда турлича бўлади.
- Табиатда **қуруқ ва хўл қор қопламлари** бир-биридан фарқ қилади. Қуруқ қор қопламининг зичлиги ўртача  $0,06 \text{ г/см}^3$  га тенг бўлса, хўл қор қопламиники эса  $0,20 \text{ г/см}^3$  атрофида ва ундан катта бўлади.
- Маълум баландликда қор **тўпланиши** ва унинг **сарфланиши** мувозанатда бўлади. Рельеф ва иқлим шароитларининг ўзаро муносабати туфайли вужудга келган бундай сатҳ **қор чегараси** ёки **қор чизиги** деб аталади.

# Ўрта Осиёдаги йирик музликлар

| Музликлар          | Жойлашган ўрни            | Узунлиги,<br>км | Майдони,<br>км <sup>2</sup> |
|--------------------|---------------------------|-----------------|-----------------------------|
| Федченко           | Бадахшон                  | 77,8            | 907,0                       |
| Инилчек            | Марказий Тяншан           | 61,0            | 823,0                       |
| Грум-<br>Гржимайло | Бадахшон                  | 36,7            | 160,0                       |
| Резниченко         | Марказий Тяншан           | 35,2            | 98,0                        |
| Гармо              | Бадахшон                  | 27,2            | 153,7                       |
| Катта<br>Совуқдара | Орқа Олай тизмаси         | 25,2            | 69,2                        |
| Зарафшон           | Зарафшон дарёси<br>бошида | 24,2            | 139,9                       |

- Тоғ музликларининг кўпгина турлари мавжуд. Уларнинг энг соддалари *тоғ ёнбағирлари музликлари* ва *тоғ чўққилари музликларидир*. Улар қуйидаги турларга бўлинади:
- *-юлдузсимон музликлар*-уларнинг умумий фирн қисмидан чиқадиган бир нечта тили бўлади (масалан, Федченко музлиги);
- *-кара музликлари*-кара (баланд тоғлардаги табиий ботиклик) ларда жойлашади;
- *-осилма* ҳолда учрайдиган музликлар.
- Водий музликлари бир мунча мураккаб тузилган. Улар ичида *оддий - бир оқимли, мураккаб* (бир неча тартибдаги ирмоқли) ва *дарахтсимон музликлар* бор.

# Олай тоғ тизмаси шимолий қисмидаги музликлар ва доимий қор қопламини ўзгариши



# Ҳисор тоғ тизмаси шимолий қисмидаги музликлар ва доимий қор қопламини ўзгариши



# Олай тоғ тизмаси шимолий қисмидаги музликлар ва доимий қор


## қопламини ўзгариши

| Йиллар    | F, км <sup>2</sup> | қисқариш % |
|-----------|--------------------|------------|
| 1955-1977 | 271                | 0.57       |
| 1975-1979 | 240                | 1.27       |
| 1979-1990 | 228                | 0.94       |

Ҳисор тоғ тизмаси шимолий қисмидаги музликлар ва доимий қор қопламини ўзгариши

| Йиллар    | F, км <sup>2</sup> | қисқариш % |
|-----------|--------------------|------------|
| 1957-1980 | 572                | 0.46       |
| 1980-2001 | 511                | 0.27       |


## Соҳ дарёси ҳавзасидаги музликлар ва доимий қор қопламини йиллар бўйича ўзгариши



# Сув ресурсларининг узгариши

**Иклим узгаришида сув ресурсларига таъсир этувчи асосий омиллар:**

- тоғларда қор захираларининг камайиши;
- музлаш жараёнининг деградацияси;
- дарёлар хавзаларидан бугланишининг ошиши;
- ёгингарчиликлар узгаришининг ошиши;
- кургокчил йилларда барча омиллар интенсифлигининг ошиши.



**Иклим узгарганда окимнинг йил ичида узгариши (Чорвок сув омборига келаётган оким)**